



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT  
TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 11 - dekabr

580 -son

**Bog‘ot shaharchasi**

Мархум Ортиқова Нуржоннинг  
турар жой биносига бўлган эгалик  
ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Гулшан” маҳалласида яшовчи фуқаро Курбанов Алишер Собирбоевичнинг мархум бувиси Ортиқова Нуржоннинг “Гулшан” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 10 декабрдаги ХО-Қ-3467-сонли аризасини, “Гулшан” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонасининг Боғот туман филиалининг 2020 йил 9 декабрдаги 4129-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р                    Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Гулшан” маҳалласида жойлашган 4 (тўрт)та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 59,28 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 1 (бир)та бўлиб, ички ўлчами 66,88 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 126,16 квадрат метр, қурилиш ости майдони 169,3 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан мархум Ортиқова Нуржонга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Мархум Ортиқова Нуржоннинг меросхўрлари ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Марҳум Ортиқова Нуржоннинг меросхўрларига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи**



**Ш.Яхшибаев**